

Пулни ўйламайдиган, пулга иши тушмаган, пул билан боглик муаммоларга дуч келмаган одам бўлмайди. Бундок караганда, хамма пул учун, пул топиш учун яшаётгандек туюлади. Аслида ундай эмас, албатта. Пулнинг галати бир хусусияти бор — у кашф этилганидан буён етишмайди. Агар камбагал тонг сахардан бир бурда нон гамида куймаланса, пулдор пулини янада кўпайтириш ташвишида ўзини ўтга-чўкка уради. Пули камайиб колишидан чўчийди, одамларнинг карз сўрашидан юраги безиллайди. “Хаммага карз бераверсам бой бўлармидим?”, дея иддао килади.

Хўш, дунё дунё бўлгандан буён хад-хисобсиз фожеалар, урушлар, турли кўнгилисизликларга сабаб бўлган, якин дўстлар, хатто тугишган ога-инилар ўртасига рахна солган, айна чоғда хайрли, бунёдкорлик ишларига восита бўлган, кўпгина мушкулотларнинг осонгина ечимини топган пулнинг биз билмаган, биз яхши илламаган сир-синоати борми? Нега кўп нарса айланиб келиб яна пулга такалаверади? Нега? Нега?..

Ўзбек тилининг янги нашр этилган беш жилдлик изохли лугатида пулга шундай таъриф берилган: «Пул (форсча — пул, акча, балик тангаси) 1. Олди-сотди ёки тўлов муомалаларида нарх, баҳо, киймат ўлчови бўлган металл ёки коғоз белги, акча. 2. Сармоя маблағ. 3. Иш хаки, маош. 4. Баъзи ерларда ярим тийинга, баъзи ерларда бир тийинга тенг бўлган пул ўлчов бирлиги ва шу кийматдаги майда пулнинг ўзи».

Доно халкимиз пул хакида кўплаб ривоятлар, пурхикмат маколлар тўкиган: “Пул — белга кувват, бошга тож”, “Пул бўлса чангалда шўрва”, “Пул жигардан бунёд бўлар”, “Пул кетса кетсин, ор кетмасин”, “Пул кўпайса, одам бузилар”, “Пули куйган калампир чайнар...”.

Пул хакида хазиломуз иборалар хам пайдо бўлган: “Бахт пулда эмас, пулнинг микдорида”, “Пулнинг бўлса халтада, дам оласан Ялтада”, “Пул ўлсин-а пул ўлсин!”...

Хамзанинг “Бой ила хизматчи” драмасидаги Солихбойнинг ўша машхур гапи эсингиздадир. Пулнинг кучига, кудратига ишонган бой шундай дейди: “Хали шундайми? Ха-ха... Кўрамиз... Ким зўр экан? Сендаги севги билан вафоларми ёки менинг чўнтагимдаги олтинларми?”.

Дарвоқе, Солихбой ролининг мохир ижрочиси Обид Жалилов вафот этгач, ўрнига муносиб артистни узок кидиришади. Ахийри Амин Турдиев номзоди маъкул топилади. Амин ака рози бўлишдан олдин бир шарт кўяди:

— Менга кўп пул берасизлар.

— Ие, пулни нима киласиз?

— Рол ижро этишдан олдин пулни белимга боглаб оламан. Ана ўшанда ўзимни ростдан хам бойдек хис этаман, ижром хам зўр бўлади.

Хўш, пулнинг лугавий маъносини бир четга кўя турайлик, пул нима ўзи? Бу саволга хар кимнинг ўз жавоби бор, албатта.

Яқинда ўзининг олтмиш ёшини нишонлаган Россия эстрадасининг юлдузи Алла Пугачёва мухбирнинг юкоридаги саволига шундай жавоб беради: “Пул — менга ўзимни камситилгандек хис килмаслигим учун керак бўладиган восита”.

Яхши жавоб, албатта. Бундай акида билан иш тутадиган одамни пулга ортикча ружу кўйишда айблаш кийин.

Драматург Шароф Бошбековнинг бир хажвиясини ўкигандим. Кискача мазмуни шундай: бир одам эрталаб ишга жўнайди. Йўлда садака сўраб турган гадойга йирикрок пул беради, кайтимини олмайди, гурури йўл кўймайди. Такси хайдовчисига хам катта пул

узатади, яна кайтимини олмайди, гурури йўл қўймайди. Ишга келгач, пештахта ортига ўтиб, халатини кийгач, энг шимариб ...гурур тўплашга киришади.

Миллиард-миллард пули бўлса ҳам тинимсиз бойлик тўплашга ружу қўйган кимсаларнинг дунёкараши, фалсафаси, психологиясини мен яхши тушунавермайман, шу боис уларнинг юкоридаги саволга кандай жавоб беришини тасаввур килиш кийин. Фикримча, аксарият одамлар учун пул, аввало яшаш, тирикчилик воситаси, фаровон турмуш, эмин-эркинлик мукобили. Айни чоғда пул топиш ягона максад, хаётнинг асосий маъноси бўлиб колмаслиги керак. Қадимги донолардан бири хукмдорга карата: “Сен ейиш учун яшайсан, мен яшаш учун ейман, фаркимиз шунда!” дея бежиз айтмаган.

Хўш энди асосий саволга келсак — пул одамни бузадими?

Бу саволга хар ким ўз тушунчаси, дунёкарашидан келиб чикиб, турлича жавоб бериши мумкин. Аввало, пул одамни бузиши учун ўша ортикча пулнинг ўзи бўлиши керак. Аммо пул шундай нарсаки, у хеч қачон ортикчалик килмайди. Шу боис, назаримда, пул одамни бузади, деб хисобловчилар у қадар қўп эмас.

Агар одам пулни жонини койитмай, осонлик билан топса, амалини бойлик орттириш манбаига айлантирса, пул воситасида ҳамма нарсага осонлик билан эришса, шунинг окибатида унда калондимоглик пайдо бўлса, одамларга паст назар билан карай бошласа, нопок ишларга қўл урса, ундай кимсаларни халк “Пул кутуртирган!” деб хисоблайди, улардан нафратланади ва тўғри килади. Халк хеч қачон адашмайди.

Акл — энг катта бойлик. Халол, пешона тери билан, акл билан топилган бойликнинг кадру киммати ҳам бўлакча бўлади. Қариялар, пенсиячиларнинг пули баракалирок бўлиши ҳам бежиз эмас. Харом-хариш йўллар билан топилган пулнинг эса баракаси бўлмайди. Кимларнидир норози килиб, кон қакшатиб топилган пул ҳам эгасига юкмайди. Пулнинг бундай хусусиятида бир хикмат бор, албатта.

Сармоядорлар, пулдорларнинг хаммасига шубха билан караш, уларни кингирликда, нохалолликда айблаш тўғри эмас, албатта. Афсуски, бизда бойларни, бойликни тўғри тушуниш маданияти хали шаклланмаган. Хавас эмас, хасад кучли. Хасад одамнинг ичини кемиради.

Бойларга, хар кандай бойликка кандайдир бир шубха, гумон билан караш шўроларнинг манфур сиёсати туфайли (Бой бўлиш айбгина эмас, катта жинойт хисобланган, шу боис бойлар бола-чакаси билан аёвсиз катагон килинган, сурғунларда азоб чекиб ўлиб кетишган) онгу шууримизга сингдирилган.

Шўролар сиёсатини қўя турайлик, мустакилликимиз арафасида ўша қадимий Наврўз байрамимизни эскилик саркити, диний байрам, дея катагон килган қалтабин сиёсатчилар моддий жихатдан озгина қаддини ростлаб олган, ўзларига ёкмаган айрим шахсларга озмунча зугум ўтказдими? Рахматли устоз Озод Шарафиддиновнинг халол, пешона тери эвазига курган далаховлиси аёвсиз буздириб ташлангани жамоатчиликка яхши маълум. Хайриятки, истиклол тафайли бундай ўзбошимчаликларга бархам берилди.

Инсон хаётга бир марта келади. Хаёт инсонга берилган энг олий неъмат. Шундай экан, хаётда ҳамма нарса — рўшнолик, фаровон турмуш ҳам ўз вақти соатида бўлгани яхши, албатта. Аммо гоҳо ҳамма нарсага эришиб, бола-чакаларни уйлаб-жойлаб, энди огзинг ошга етай деганда Оллох омонатини сўраб қолади. Шуниси ачинарли. Шуниси алам килади. Кечагина бағримизни тўлдириб, давраларга файз киритиб юрган акахон ва укахонларимиз бугун орамизда йўк. Беихтиёр шоирнинг “О, инсон қисмати, бунчалар чигал...”, деган сатрлари эсга тушади. Шу боис, хамиша хаётни ганимат деб билишимиз керак. Ўлчовли умрни эзгу ишларга сарфламок жоиз. Бу китобий гап эмас. Ўтмишда

яшаб ўтган улугларимиз, табаррук сиймоларнинг шахсий хаётлари бу жихатдан катта ибратдир. Буюк бобокалонларимиз Амир Темур, Алишер Навоийнинг улуг бунёдкорлик ишлари, кўплаб қононалар, мадрасалар, кўприклар, хаммомлар, бог-роғлар барпо этгани, илм ва ижод ахлига хамиша ёрдам кўлини чўзиб, хомийлик килишгани жахон микёсида кайта-кайта эътироф этилган. Уларнинг эзгу, савобли, хайрли ишлари Третьяков, Нобелларнинг хизматидан кўра улугворрок, ибратлирок. Замона зайли, мустакиллик шарофати билан ўзимиздан хам катта пул топаётган тадбиркорлар, бадавлат кишилар етишиб чикмокда. Биз бундан мамнун бўлишимиз керак. Юртбошимизнинг катта-кичик йигинларда хамиша тадбиркорларни кўллаб-куватлаш лозимлиги хакида куйиниб гапириши хам бежиз эмас. Лекин карс икки кўлдан бўлмоги лозим. Негадир бизнинг янги бойларимиз мухтожларга ёрдам килиш учун унчалик шошилмаётганга ўхшайди. Биз гохо хамма нарса пулга бориб такалаётганидан, хамма нарса пул билан ўлчанаётганидан нолиймиз. Тўгри, бу гапларда жон бор. Айнаи чоғда, хамма нарса ўзимизга боглик эканини ўйламаймиз. Хакикат ташкарида эмас, ўзимизнинг ичимизда экани эсимизга келмайди. Хаёт, кундалик туриш-турмушимиз кун тартибига кўяётган муаммоларни хеч ким четдан келиб биз учун хал килиб бермайди. Куръони каримдаги “Феълингизни ўзгартирмагунингизча тақдирингизни ўзгартирмайман“, деган пурхикмат калимани унутишга хаккимиз йўк.

Шодмон Отабек